


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА
ДОЛЗАРБ УСУЛЛАРИ**
**мавзусидаги республика миқёсидаги ОНЛАЙН
илмий-амалий анжумани материаллари**

ТЎПЛАМИ



БУХОРО – 2020

МУНДАРИЖА

I - БЎЛИМ

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК: АНЪАНАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Хамидов О.Х. Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда АКТ ва чет тилларнинг моҳияти.....	3
Зикриллаев Ғ., Менглиев Б., Жумаев Э. Улуғ адиб сабоғи.....	5
Қувватова Д.Ҳ., Раджабова М. Ўзбек тилида шахс номи билан келган фбларнинг гендер хусусиятлари.....	9
Jurayeva M.M. L'expression des categories de modalite dans les contes français et ouzbeks.....	13
Қаришибаева У.Д. Шатобриан асарлари қаҳрамонларининг диний ғояларга таяниши.....	15
Хайруллаев Х. Лингвистик бирликлараро иерархия: жараён, тавсиф, муносабат.....	17
Жуманиёзов З.О. Tilning leksik tarkibini tarjima qilish masalalari.....	19
Жуманиёзов З.О., Жуманиёзова Н.К. Аслият ва таржима тиллари ўртасида лисоний ва маъновий тафовутлар.....	21
Нигматова Л.Х. Ўзбек тили умумий корпусларида тил ва маданият уйғунлиги муаммоси.....	24
Rasulov Z.I. The problem of language economy from the perspective of language evolution.....	32
Jamolova G. Stendalning “parma ibodatxonasi” asarida milliylikka munosabat.....	35
Ҳайдаров А.А., Муртазоев О.Н. Тил бирликларида коннотатив маънонинг ифодаланиши.....	36
Ҳайдаров А.А. Муртазоев О.Н. Интонация, пауза ва урғу билан боғлиқ коннотатив маъноларнинг ифодаланиши.....	39
Файзуллаев М.Б., Мухаммадова А.О. Поэтика стихов а.наваи в переводах.....	41
Saparova K.O. Phonostylistic properties of terminological vocabulary and problems of its study.....	44
Sharipov F.I. Social influences on language variation.....	46
Akhmedova M.B. The development of “spirituality” terms.....	48
Файзуллоев О.М., Мухаммадова А.О. Таржиманинг маҳсулли усуллари.....	50
Komilova G. Stylistic difficulties of translation in modern English.....	52
Мухтарова Ш.Ф. Заимствования археологической терминологии.....	54
Носиров О.Т., Ниёзова М.Ш. Репрезентация концептосферы «времена года» в узбекской лингвокультуре.....	57
Усмонова Ш.А. Медиалингвистика оав тилига оид тадқиқотларни ўрганади.....	59
Каримова Д.Ҳ. Бадиий - тасвирий воситалар ва таржима.....	61
Рўзиев М.К. Генрих теодор бёлльнинг «масхарабознинг қарашлари» романида асосий.....	63
Tursunov M.M. A glimpse on conceptual metaphors.....	64
Шарипов С.С. Лексикография ва луғатчиликнинг янгиланиш тенденцияси.....	68
Қулдашова Н.Б. Термин ва категория тушунчалари изоҳи тўғрисида.....	74
Saidov Kh. Oral corpora in the field of linguistics.....	76
Собирова З. Туризм атамаларининг инглиз тилидаги лексик-семантик тадқиқи.....	79
Джумаева Н. Фонетик стилистик воситаларнинг macmillan english dictionary for advanced learners луғатида берилиши.....	81
Шукурова М.А. Развитие лексико-понятийного поля этики хvi-xviii веков.....	84
Ҳожиева Ғ.С. Санъат терминларининг миллий-маданий тадқиқи.....	87

английской этики является, главным образом, результатом расщепления широкого в прошлом, значения в направлении его сужения; в этико-философском повествовании некоторые лексические единицы общеупотребительного слоя лексики способны сдвигаться в сторону пласта этической терминологии и формировать особую подсистему лексики этики; в выборе лексики текста этико-морального порядка находит отражение субъективно-эмоциональная оценка событий мыслителем; вторичность, заимствованность - в своем большинстве - английской этической терминосистемы в значительной степени связано с высокой восприимчивостью английского языка периода исследования к заимствованию вообще и к терминотворчеству, в частности; потенциально реализуемый объем специальных обозначений, особенно на ранней стадии становления английской этической терминосистемы, чаще всего имеет своим источником общеупотребительные слова лексики английского языка эпохи позднего Возрождения - последние становились термином, уже обладая достаточно четко определившейся смысловой и стилистической ориентацией в неспециальном литературном языке.

Таким образом, мы определяем термин этики как единицу лексики, включённую в качестве составного компонента в ту или иную тематическую группу определённой философско-терминологической системы, и достаточно чётко обозначающую определённое понятие в рамках данной философско-этической системы. При этом, при исследовании и описании терминологических единиц, где воздействие семантического фактора особенно ощутимо, основное внимание следует обратить на содержательную характеристику терминов, а не на их морфологическую или морфосинтаксическую структуру, поскольку это касается философской терминологии этики и морали.

литература:

1. Вертинская О.Э. Генезис конструктивистских тенденций в аналитической философии: Дис.канд. филос. наук. – Мурманск, 2005. – С. 180.
2. Горфункель А.Х. Философия эпохи Возрождения. – М.: Высшая школа, 1980. – С. 368.
3. Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. – М.: Наука, 1984. – С. 318.
4. Гусев С.С., Тульчинский Г.Л. Проблема понимания в философии. – М.: Политиздат, 1985. – С. 193.
5. Овсянников М.Ф. История эстетической мысли. – М.: Высшая школа, 1984. – С. 335.
6. Mc Laughlin G.C. Aspects of the History of English. – N.-Y., 1968. – P. 375.

САНЪАТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

Ҳоҷиева Г.С. (БухДУ)

Инсон яралибдики, унинг босиб ўтган ҳар бир тарихий излари маълум ютуқлар билан характерланади, жумладан, XXI аср нафақат техника ва технологиялар асри, балки, тилга, хусусан, хорижий тилларга бўлган эътиборнинг юксак даражага кўтарилган даври десак, муболаға бўлмайди. Зеро бугунги кундаги интеллектуализмнинг ёрқин мисоли сифатида ўз тили билан биргаликда камида иккита чет тилини мукамал билиш ҳам назарда тутилади. Ҳар бир ўрганилган тил инсонга янги ҳаёт бағишлайди. Ушбу ғояни француз адиби Вольтернинг “Кўп тилни билиш — битта қулфга тушадиган бир нечта калитга эга бўлиш демакдир”[1.]дея билдирган фикрлари ҳам тасдиқлайди. Қадимда икки тилни эгаллаган мутахассис “зуллисонан”, бир тилдан бошқа тилга ўгирувчи шахс эса “мутаржим”деб аталган. Бугунги кунда “мутаржим” атамаси ўрнида “таржимон” сўзидан фойдаланилади. Таржимон — тарихларни, даврларни, маданиятлар ва миллатларни бири-бири билан боғлаб турадиган қудратли куч — “тил”нинг “ишончли вакили”дир.

Бир адабиётнинг бошқа адабий оламга кириб бориши, энг аввало бадиий таржима орқали амалга ошади. Зеро, бадиий таржима жаҳон адабий ҳаракати флотилия (кемалар кўшилмаси — Ҳ.Г.) сини йўналтирувчи қудратли лангардир. У турфа миллат, халқлар,

тиллар, маданиятлар билан бирга, турли қитъалар ва бир-бирларидан узоқ масофада жойлашган манзиллар ва замонларни туташтиради.[2.]

Юртимизда сўнгги йилларда бошқа соҳалар қатори мусиқа ва санъат йўналишларига, бу борадаги мамлакатлараро маданий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги сабаб, мазкур соҳага доир терминлар таржимасининг чуқурроқ ўрганилиши кундан-кунга долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот давомида ўзбек ва француз изоҳли луғатларида мусиқа ҳамда санъатга оид терминларнинг лексик-семантик ва миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш баробарида бир неча ўзигахосликлар санаб ўтилади.

Мисол-1.

дўппи -calotte *f* traditionnelle.

каллапўш -calotte *f*.

Ушбу мисоллардаги “дўппи” ва “каллапўш” сўзлари француз тилига ягона эквивалент “calotte” орқали ўгирилган ва улар ўзида миллий-маданий хусусиятини ҳудудийлик нуқтаи назаридан касб этади, яъни “дўппи” – ўзбек миллий бош кийими бўлиб, “каллапўш” унинг Бухоро ва Самарқанд ҳудудларида номланиши ҳисобланади.

Мисол-2.

эл1) *peuple m*;

2) *nation f*;

3) *tribu f*;

4) *peuple m*;

5) *ami, e*.

Ушбу мисолда “эл” сўзи француз тилидаги *халқ, миллат, қабила, мамлакат, дўст* сўзларига маънодош бўлиш билан бирга уларни бир маъно остида бирлаштиришга хизмат қилган.

Мисол-3.

ҳунар1) *art m*;

2) *artisanat m*;

3) *profession f*;

4) *métier m*.

Ушбу “ҳунар” сўзи таржималари орасида *artisanat* ўғирмаси аслият билан айнан эквивалентлик касб этган, чунки *art* (санъат), *profession, métier* (касб) кабилар контекстан келиб чиқиб таржима қилинади.

Мисол-4.

инсоният *humanité f*.

инсонийлик *humanité f*.

инсонлик *humanité f*.

Ушбу мисоллардаги “инсоният”, “инсонийлик”, “инсонлик” терминлари лексик-семантик жиҳатдан турли маъноларга эга бўлса-да, уларнинг француз тилидаги таржималари яхлитлик касб этади. Бу ўринда биз ўзбек тилининг нақадар сўзга бой эканлигига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Мисол-5.

лапар1) *genre musical folklorique*;

2) *composé de questions-réponses entre un groupe de garçons et un groupe de filles*;

3) *composé de chants improvisés accompagnés de danses*.

Мазкур мисолда “лапар” сўзининг француз тилидаги қуйидаги таржималари берилган:

- ✓ халқ оғзаки ижодига асосланган мусиқий жанр;
- ✓ бир гуруҳ йигит-қизлар ўртасидаги айтишув;
- ✓ рақслар жўрлигида куйланадиган қўшиқлар.

Таржимада “**лапар**” сўзининг француз тилида айнан термин сифатидаги эквиваленти бўлмаганлиги сабаб, унинг миллий ва маданий хусусиятлари семантик таҳлил асосида яққол очиб берилган.

Хулоса қилиб, француз ва ўзбек тилидаги санъат терминлари таржимасида ўзаро эквивалентлик ҳосил қилиш, ёки айрим терминлар номининг француз тилида айнан муқобили бўлмаганлиги сабаб, ўзбек тилидаги атамаларнинг таржимаси ўз миллий тил хусусиятини сақлаган ҳолда ўгирилишини айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тафаккур гулшани. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -159 б.
2. Саломов Ғ. Т. Таржима назарияси асослари. Т.: Ўқитувчи, 1983, -224 б.
3. Гак В.Г., Ганшина К.А. Новый французско-русский словарь. Москва, 2010.
4. www.google.fr

СТИВЕН КИНГНИНГ "ЎЛИК МИНТАҚА" (THE DEAD ZONE) АСАРИДАГИ ИНСОН ВА ЗАМОН МУАММОСИ

Усмонова Зарина (БухДУ, ўқитувчи)

Америка Қўшма Штатларининг XX асрнинг иккинчи ярми адабиёти замонавий маданиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида эстетик мустақилликка ҳам эга. Адабиётшунос олима В.В.Ивашева таъкидлаганидек «XX асрнинг 50-йилларидаёқ, сўнгра эса кейинги ўн йилликда бутун ғарб адабиётида ёрқин кўринишга эга бўлган фалсафий тамойил кўзга ташланади. Бу айниқса бадиий насрда яққол намоён бўлди».[1, 32]

Замонавий муносабатлар тизимини идрок этишда инсон шахсининг бугуни ва эртаси муаммоси асосий, ва ҳатто ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ғарб фалсафасида бу муаммо бош мавзуга айланган. Ўтган асрнинг бошидаёқ бу муаммо адабиётга ҳам кириб келди ва унинг асрнинг иккинчи ярмидаги кўринишини белгилаб берди. Адиблар асосан инсоннинг жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган дунёдаги ўрни ҳақида, ахлоқий муаммолар ҳақида, ҳамда замонавий воқеликдаги Эзгулик ва Ёвузлик муаммолари ҳақида бош қотира бошладилар, Стивен Кинг ҳам бундан истисно эмас.

Стивен Кингнинг «The Dead Zone» («Мертвая Зона», 1979) романи том маънода адибнинг энг яхши асари ҳисобланади. Романда телепатия ва башоратчилик қобилиятига эга бўлган оддий америкалик зиёли Жон Смит ҳақида ҳикоя қилинади. Жон болалик пайтида муз устида учаётиб йиқилиб тушади ва боши лат ейди, бироқ у тезда оёққа туради. Болаликнинг барча касалликлари унутиб юборилганидек, тез ўтмай бу ҳодиса ҳам ёддан чиқади. Бироқ орадан кўп ўтмай Жони ўзида ғаройиб хусусиятни кашф этади – у ўз қаршисида турган одамга қараб, келажакда унинг бошига қандай воқеалар тушишини кўз олдида келтира оларди. Бироқ унинг бу ҳислатига ҳам ҳеч ким эътибор бермади. Орадан йиллар ўтиб кичкинтой Жони балоғатга етади, қувноқ ва вазмин ўқитувчи бўлиб етишади:

«He was a tall man who had a tendency to slouch, and kids called him Frankenstein. Johnny seemed to be amused rather than outraged by this. And yet his classes were mostly quiet and well – behaved, there were few skippers ... He was the sort of teacher who, in another ten years, would have the school yearbook dedicated to him» [2, 25] – Он был высокого роста и немногосутулился, за что дети прозвали его Франкенштейном. Правда, он был скорее этим доволен, нежели раздосадован. На его уроках царила тишина и покой, прогульщиков мало... Он был одним из тех учителей, которым через десяток лет посвящают школьные ежегодники. [3, 30]

Ташқаридан қараганда Жони ҳаётидан нолимаса бўларди. У Сейра Крэкнел исмли қизни евиб қолади. Сейра ҳам унга бефарқ қарамайди. Бироқ тақдир Жонининг бошига яна бир кулфат ёғдиради: Сейра билан учрашувдан қайтаётган пайтида уни машина уриб